

**МУҲАММАД РАҲИМБИЙНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ
ТАРИХИДАГИ ЎРНИ (“ТАРИХИ ХУМУЛИЙ” ВА БОШҚА ТАРИХИЙ
АСАРИ МИСОЛИДА)**

Мавзуна МУХИДДИНОВА

тадқиқотчи

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд

давлат университети

Тошкент, Ўзбекистон

mavzuna.mukhiddinova@siut.uz

Аннотация

Мақолада мангит сулоласининг биринчи амири Муҳаммад Раҳимбий шахси, унинг Бухоро тахтини эгаллаш ва уни бирлаштириш сиёсати хусусида Қози Вафо Карминагий, Муҳаммад Шариф, Абдулазим Сомий, Муҳаммад Яъқуб, Мирза Шамс Бухорий, Муҳаммад Шарифжон ўғли Садри Зиё ҳамда Жумақули Хумулий асарлари асосидаги маълумотлар келтирилган. Бунда тарихчиларнинг амир ва унинг сиёсати ҳақидаги ўз карашлари, унинг Бухоро ва Самарқандда тахтга кўтарилиш маросимлари, шунингдек, унинг вафоти билан боғлиқ қайдлар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Бухоро амирлиги, “Тарихи Хумулий”, мангитлар, оталиқ, амир, Абулфайзхон, Самарқанд, 92 ўзбек уруғи, кўктош, “Гулшан ул-мулук”.

**РОЛЬ МУҲАММАДА РАХИМБИ В ИСТОРИИ БУХАРСКОГО
ЭМИРАТА (НА ПРИМЕРЕ «ИСТОРИИ ХУМУЛИ» И ДРУГИХ
ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ)**

Мавзуна МУХИДДИНОВА

Исследователь

Самаркандский государственный университет

им. Шарофа Рашидова

Самарканд, Узбекистан

mavzuna.mukhiddinova@siut.uz

Аннотация

В статье представлены сведения о личности первого эмира династии Мангит Мухаммада Рахимби, о его политике по захвату бухарского престола и о объединении эмирата, основанные на трудах Кази Вафы Карминаги, Мухаммада Шарифа, Абдулазима Сами, Мухаммада Якуба, Мирзы Шамс Бухари, Мухаммада Шарифджана Садри Зия и Джумакули Хумули. Проанализированы мнения историков об эмире и его политике, его восшествии на престол в Бухаре и Самарканде, а также записи о его смерти.

Ключевые слова: Бухарский эмират, «История Хумули», мангиты, аталык, амир, Абулфайзхан, Самарканд, 92 узбекских рода, кукташ, «Гульшан ул-мулук».

Бухоро амирлиги тарихи бугунги кунга келиб жаҳон илмий марказларида кенг ўрганилмоқда. Хусусан, манғитлар сулоласининг жаҳон тарихи саҳнасига кириб келиши, ушбу сулола ҳукмронлик қилган пайтда Бухорода амалга оширилган туб ислохотлар ва уларнинг амалий натижасига оид бир қатор изланишлар фанга маълум. Шу йўналишда манғитлар сулоласи даври тарихини ёритган, айниқса, манғитлар даврида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ўзида акс эттирган Жумақули Хумулийнинг “Тарихи Хумулий” ва бу даврда яратилган бошқа тарихий асарлар маълумотлари асосида Муҳаммад Раҳимхон шахсияти ҳамда манғитларнинг Бухоро ҳокимиятини эгаллаши хусусидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қиламиз.

Тарихдан маълумки, Бухоро хонлигида Манғитлардан олдин Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Аштархонийлар сулоласи вакиллари Бухоро хонлигида марказий ҳокимиятни сақлай олмадилар. Бу сулоланинг сўнгги вакили Абулфайзхон (1711-1747) даврида мамлакатда сиёсий вазият ниҳоятда кескинлашди. Сулола вакилларидаги давлат бошқарувида парокандаликка йўл қўйганлиги, халққа қарши зулмнинг кучайиши натижасида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи оғирлашган.

Нодиршоҳ ва Абулфайзхон ўлдирилгач, Бухорода мураккаб вазият юзага келди. Бундан фойдаланган Муҳаммад Раҳимбий тўлақонли давлат бошлиғига айланди. У хонлик тахтини эгаллашга шошилмади ва Абулфайзхоннинг ёш ўғли Абдулмўминни хон деб эълон қилди, аслида эса давлатнинг барча бошқарув ишлари унинг қўлида эди. Шу билан бирга ўз қизини Абдулмўминга никоҳлаб берди (1748 йил у ўлдирилди). Жумақули Хумулий асарида Абдулмўмин ҳақида маълумот берилмаган. Унинг вафоти сабаби ҳам ёритилмаган. Балки асарнинг бу қисми сақланмаган ёки қўчиришда тушириб қолдирилган. Асар Муҳаммад Раҳимбий тахтга Абулфайзхоннинг балоғат ёшига яқинлашган ўғли Убайдуллахоннинг ўтириши даври тарихидан давом эттирилган. Қизини ҳам айнан Убайдуллахонга никоҳлаб бергани қайд

этилган. Бирок бир неча кун ўтгач, “Убайдуллоҳ болалар билан Бухоро қалъаси девори устида ўйнаб туриб, қалъа ичига сув чиқариб берадиган чарху фалакни томошасига бориб қолдилар. Томоша пайтида Убайдуллоҳнинг оёғи тойиб кетиб, қалъа деворидан пастга йиқилиб жон таслим қилди” дея қайд этилади [1]. Шу билан Чингизхон наслидан бўлган Жўжи уруғидан ўғил фарзандлар қолмади. “Абулфайзхон ўзининг бошқа ўғилларини ўз қўли билан қатл этган эди. Улардан фақат Убайдуллоҳ қолган эди” [1, 63b.]. Анке фон Кюгельген бу воқеа Муҳаммад Раҳимбий томонидан атайлаб уюштирилган, деган фикр билдиради. Чунки ушбу воқеадан сўнг Муҳаммад Раҳимбий Бухорода танҳо, мустақил ҳукмдорга айланди. У Бухорода тартиб ўрнатгач, атроф вилоятлар, Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқанд ва Миёнқўлга тобе бўлган жойларни фатҳ қилади [2].

Тарихи Хумулийда Муҳаммад Раҳим оталиқ қуйидагича таърифланади: “У қаҳру ғазабли подшоҳ эди. Ҳайбатли эди. Вижор билан юрар, қиммати баланд сўзларни айтар эди. Инъоми баланд, хулқи мақтовга лойиқ, лутфу карами билан қаҳру ғазабининг ўрни бор эди. Ҳар бир ишда муносиб байтларни ўқир эди, гўёки уни ўзи ижод этгандек. Унинг қомати баланд, пешонаси кенг, аъзолар бир-бирига мутаносиб эди. Такаллуфсиз бутун халойиқ ўзбекнинг тўқсон тўққиз қабиласи унинг хонлигига рози ва унинг ғуломлигини ўзларига шукрона деб билар эдилар. Агар у бир қора тупроққа меҳр билан назар солса, у жойдаги тупроқ кўзларнинг тўтиё сурмасига айланар эди. Агар у осмон киштизориде бўлган хирмон томон қаҳру ғазаб билан боқса, қуёш мисоли куйдирар эди. У доимо Нодиршоҳ ва Чингизхоннинг давлатдорлик сиёсатига қўшимчалар киритди. Салтанат низомининг зиналарини жойига қўйишга улкан раъйга эга эди. Жаҳонни бошқариш қоидаларининг кўпида Нодиршоҳга эргашар эди. Муҳаммад Раҳим Турон мулки, Балх, Бадахшон, Ҳисор ва Ҳисор ораларини муҳолифлардан тозалаб, ўзига хос низомларини жорий қилди...” [1, 97b.].

Муҳаммад Раҳим оталиқнинг сарой тарихнависи Қози Вафо эса, у ҳақида қуйидагиларни баён қилади: “у ёшлиқ чоғларидан моҳир чавандоз

бўлган. Бундан ташқари у сипоҳ (қурол) билан муомалани яхши билган...”[2, 308].

Муҳаммад Яъқуб 1830-831 йилларда ёзилган рисоласида Муҳаммад Раҳимни манғит ҳукмдорлар ичида “энг буюк” деб ҳисоблайди: “ундан сўнг (Муҳаммад Раҳим) давлатни ҳеч қайси ҳукмдор бундай тартибда бошқара олмади” [3]. Ҳақиқатан ҳам, Муҳаммад Раҳим ўзидан кейин амирликни бошқарган уч ҳукмдордан фарқли ўлароқ, кенагас қабиласи бошқарувидаги Кеш вилоятига уч марта ҳужум қилди ҳамда Китоб ва Шаҳрисабзни эгаллади. Унинг вафотидан (1759/1172 й) сўнг амирликда кўзғолонлар авж олди ва Шаҳрисабз амирлик таркибидан чиқди.

Ўша даврдаги тарихий воқеликни ҳаққоний ёритган Мирзо Абдулазим Сомийнинг таъкидлашига кўра, гарчи Бухоро тахтига Абдулмўминдан кейин укаси (1751-1754) Убайдуллоҳ Султон, сўнгра (1754-1756) Шерғозилар хон кўтарилсада, амалда ҳокимият манғит уруғи вакили Муҳаммад Раҳимбий кўлида эди [4, 4b]. Абулфайзхоннинг ўғиллари қолмагач, 1756 йилда Муҳаммад Раҳимбий хоннинг қизи Юлдузбегимга уйланади ва хон унвонини олади [5, 3b].

Бироқ, Муҳаммад Раҳимбийнинг хон авлодидан эмаслиги сабабли турли уруғлардан чиққан айрим вилоят ҳокимлари унинг тахтни эгаллашига қарши чиқадилар. Масалан, Ғузор ҳокими Жаҳонгирбий сарой, Шаҳрисабз ҳокими Олимбий кенагас, Шеробод ҳокими Шералибий ва Ҳисор ҳокими Муҳаммад Амин юзлар ўзаро иттифоқ тузиб, Муҳаммад Раҳимбийга қарши бош кўтардилар [6, 73b].

Мамлакатдаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришдан манфаатдор бўлган сарой аёнлари, йирик амалдорлар ва уламолар ҳижрий 1170 йил рабиус-соний (1756 й. декабрь) ойида Муҳаммад Раҳимбийни расман тахтга ўтказиш маросимини ўтказадилар [2, 266-269].

Бу маросимда Муҳаммад Раҳимбий Бухоро амирлигининг қонуний ҳукмдори сифатида тан олинди, Қўқон хонлиги, Тошкент, Марв, Балх ва Қундуз бекликларидан расмий элчилар ташриф буюришади. Шу тариқа,

Бухоро тахти расмий равишда Аштархонийлар сулоласидан янги Манғитлар сулоласи қўлига ўтади [7, 190-191].

Муҳаммад Раҳимбийнинг тахтга ўтириши ўша давр манбашунослари томонидан муҳим сиёсий воқеа сифатида баҳоланган. Абдулкарим Бухорий, Муҳаммад Яъқуб Бухорий, Хумулий, Мирий каби тарихчилар ўз асарларида амирни “тахти бахт”, “тахти салтанати Бухоро”, “тахти Турон”га ўтирганликларини батафсил баён қилишган [8, 37].

Нурота ҳокими – Тоғаймурод Бий Бурқут аввалида исён қилиб, кўп уруш жанжаллардан сўнг муте ва таслим бўлиб, Бухоро умароларининг сафига кўшилди. Ҳисор ҳокими Муҳаммад Амин Бий Юз, Шаҳрисабз ҳокими Субҳонқули Бий Кенагас, Хўжанд ва Ўратепа ҳокими Фозил Бий Юз, Ургут ҳокими Мусобий Минг ҳаммаси бирлашиб, иттифоқ тузиб Бухоро ҳукмдорига қарши исён кўтардилар. Улар ва Муҳаммад Раҳимбий орасида бир неча маротаба қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Лекин доимо зафар Раҳимбий томон эди. У Шаҳрисабз томон лашкар тортиб бориб у ернинг бошлиқларини шамшир зарбидан ўтказиб, ер билан яксон қилди. Кўп жангу муҳорибадан сўнг у жойни саркашмадан халос айлаб, лашкарни Ҳисор, Ўратепа ва Хўжанд томон юбориб, у жойларнинг ҳокимларинини мағлуб қилди” [1, 146-147].

Муҳаммад Ёқуб ибн Дониёл Оталиқнинг “Гулшан ул-мулук” номли асарида қайд этилишича, “Муҳаммад Раҳимбий 92 ўзбек уруғини марказий ҳукуматга қаршилик кўрсатгани учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум этиб, уларни бўйсундиришга ҳаракат қилган” [3, 164]. Амир турли вилоятлардаги ўзига бўйсунмаган қабилалар билан тил топишиш мақсадида, улар орасидаги аслзодаларга қабилани бошқариш ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар инъом этар, ўз томонига оғдиришнинг турли хил усуллари кўллар, бироқ яқинлашув жараёни жуда суст кечарди [9, 124]. Шундай бўлсада, амир Миёнқол, Нурота, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Бойсун, Ҳисор, Қабодиён, Керки ва Чоржўйгача бўлган ўлка вилоятлари устига ҳарбий юришлар қилиб, уларни ўзига тобе қилган. Амир ўз навбатида, мамлакатни бирлаштиришда муайян даражада тўсиқ бўлиб турган қўшни Афғонистон давлати билан ҳам сулҳ

шартномасини (1750) имзолашга эришди [10]. Амирликда марказлашган сиёсий бошқарувнинг ташкил этилиши, ички ва ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланишига кенг имкониятлар яратади.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Раҳимбий ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлиги аҳолиси этник жиҳатидан кўпгина элатлардан иборат бўлиб, уларнинг қарийб 57 фоизини ўзбеклар ташкил этарди. Ўзбеклар манғит, сарой, кенагас, бурқут, баҳрин, юз, қўнғирот, жабғу, қарлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг каби бир қанча қавмлардан ташкил топган эди. Амир баҳрин, бурқут, кенагас, қипчоқ, юз ва сарой каби айирмачи ўзбек қавмларини мамлакатнинг турли ҳудудларига кўчириб, Бухоро амирлиги яхлитлиги ва хавфсизлиги учун изчил курашди.

Муҳаммад Раҳимбий ўз ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг ободончилик ишларига ҳам катта эътибор қаратади. Жумладан, турли сиёсий урушлар туфайли вайрон бўлган Самарқанддаги Дарғом канали қайтадан бунёд этилади. Бухоро шаҳрининг мудофаа девори мустаҳкамланиб, 1752-1753 йилларда баландлиги икки метрли янги девор қурилган. Шаҳар марказида кўплаб мадраса ва масжидлар қурилиб, боғ-роғлар барпо этилган.

Ўн йил давомида Муҳаммад Раҳимбийнинг салтанати ўз чўққисига етиб борди. Шу орада унинг исми тарихларда “Амири комгор” деб ёзилиш даражасига етди. Ўн йилдан сўнг ташриф навбати Самарқандга келди. Хоннинг Самарқандга келгани хосу ом учун улуғ байрамга айланди. Улуғ хон ва султонлар тахтга ўтиришида аҳамиятга эга бўлган кўк тошни зебу зийнат беришликка буйруқ бердилар. Сўнг Муҳаммад Раҳимбий эгнига ёкуту зевар билан зийнатланган кийим, бошига дуру гавҳар билан жилоланган тожни кўйиб, кўктош устига қадам босиб, мухофират боши осмонга ва ҳайбат ноғорасининг садоси Зухал сайёрасига етди [1, 70].

Муҳаммад Раҳимбий Бухорода тахтга ўтирган вақтда сарқандликлар ўз шаҳрида бу маросимни ўтқазिशга қаршилик қилганлар. Самарқандда тахтга ўтириш маросимининг аҳамияти катта бўлиб, аввалига Бухоро хонлигида ҳукмдорлар хонлик пойтахти Самарқандда тахтга кўтарилганлар.

Бироқ пойтахт кейинчалик кўчирилган бўлсада, Самарқандда тахтга кўтарилишнинг аҳамияти йўқолмади [11, 108]. “Ўзини Хон лақаби билан мулаққаб этди. Машойих, уламолар ва бошқа саодатманд кишиларнинг хурматларини жойига қўйиб, кўп илтифотлар кўрсатди. Ҳадялар инъом қилди. Уларнинг дуо-фотиҳаларини жаҳонни бошқариш шоҳлик тожининг фаҳри ва зийнатига айлантирди. Мовароуннаҳрни обод ва унинг аҳолисини шодон қилди. Муҳаммад Раҳимбий шундан сўнг уч йил хонлик мансаби билан яшади” [1, 70].

Бухоро ва Самарқандда тахтга кўтарилиш маросимлари ўтказилишининг ўзига хос маъноси бор эди. Бухородаги маросимда хон аввало қасамёд қилиб, қонуний бошқарув ҳуқуқини қўлга киритарди. Самарқанддаги маросим эса, кўпроқ диний аҳамиятга эга бўлиб, “муқаддас бурч” сифатида қаралиб, давлатни бошқариш ҳуқуқининг қонунийлигини мустаҳкамлаш учун амалга оширилган. Ҳукмдорларнинг қайта қасамёд қилиши хоннинг тан олинганлиги ва мамлакатнинг бутунлай бўйсундирилганидан далолат берарди. Тарихчи Мирзо Абдулазим Сомий гарчи Манғитлар сулоласи амалда 11 (ўн бир) йилдан буён ҳукмронлик қилсада, Муҳаммад Раҳимбий расмий равишда “икки йилу, уч ой ва ўн беш кун подшоҳлик қилиб, 45 (қирқ беш) ёшида (1758 йил 24 мартда) охиратга сафар қилди” [4, 4b]. Демак, Абдулазим Сомий ҳам Муҳаммад Раҳимбийнинг Самарқандда тахтга ўтирганидан сўнг расмий равишда ҳукмдор бўлганини тасдиқлайди. Бу вақтда Самарқанд пойтахтлик мақомига эга бўлмасада, аммо ўз нуфузини сақлаганидан далолат беради.

Таърихи Хумулийда Муҳаммад Раҳимбийга таъриф берилар экан, унинг сифатларини келтириш билан бирга “у доимо Нодиршоҳ ва Чингизхоннинг давлатдорлик сиёсатига қўшимчалар киритди. Салтанат низомининг зиналарини жойида қўйишга улкан раъйга эга эди. Жаҳонни бошқариш қоидаларининг кўпида Нодиршоҳга эргашар эди дейилади [1, 70].

Муҳаммад Раҳимбий Турон мулки, Балх, Бадахшон, Ҳисор ва Ҳисор ораларини муҳолифлардан тозалаб, ўзига хос низомларини жорий қилиб ўзига

каратиб олгандан сўнг, унга тобеъ бўлган ҳокимларга хабарчилар орқали буйруқ юборди. Фармон шундан иборат эдики, “қисқа фурсат ичида бутун атрофдан Бухорога лашкарлар келиб йиғилсин, биз биргалашиб бориб, бизга итоат қилмайдиган Ўратепа ҳокимига қарши жанг қилиб уни таслим қиламиз”. Муҳаммад Раҳимбий йиғилишга буйруқ қилган лашкар Бухорога йиғилмасдан, унинг жони жасадини тарк қилди. Бошқалар бу хонлик тахтини эшигидан қандай чиқиб кетган бўлсалар бу ҳам шундай хориж бўлди. Уч, тўрт кун оғир касал бўлиб, табиий ажал билан бу беш кунлик ҳаёт билан видолашди [1, 71]. Муҳаммад Раҳимбийнинг вафоти ҳақида юқоридаги маълумот билан бирга Хумулий яна бир ривоят келтиради: Муҳаммад Раҳимбий ўша кунларда Бухоро шаҳри ичидаги Жаноб Қутбил Авлиё, Ғафсул Асфиё, Шайхул Машойих – Мавлоно Муҳаммад Эшон Имло лақаби билан шуҳрат топган зотнинг қабрини бузиб, ўрнига ўзи учун чорбоғ қурмоқчи бўлди. Аллоҳнинг ваъда қилган ажал муддати етгани сабабли давлатининг шукуҳи, тахт ҳавосининг такаббурлиги унинг қалб ойнасининг кўзини хира қилиб қўйган эди. Унинг бу қилган иши мурувват юзасидан ҳам, шариат нуқтаи назари билан қараганда ҳам мақтовга лойиқ иш эмас эди. Бу қилган иши у учун хайрли бўлмади, оғир касалга мубтало бўлди. Оз кунда вафот этди [1, 71].

Муҳаммад Раҳимбий вафотидан сўнг, уламо ва умаро йиғилиб унинг жанозасини ўқиб, дафн қилдилар. Муҳаммад Раҳимбийнинг ўғил фарзанди бўлмагач, Бухоро тахтига унинг қизидан бўлган набираси Фозилтўра ибн Норбўтабий ибн Бадалбий ибн Ҳакимбий оталиқ ўтирди. Бироқ, Фозилтўра ўша пайтда олти ёшда бўлганлиги сабабли, Муҳаммад Раҳимбийнинг амакиси Муҳаммад Дониёлбий унга оталиқ¹ этиб тайинланади. Қозилик мансабига Хожа Низомиддин Мираконий ва Амири Девон мансабига бадал девонбошлар тайинландилар. Амиру умаро Фозилтўранинг бу ишга лаёқатсизлигини кўриб, бир неча кундан сўнг хонлик мансабидан бўшатдилар. Ҳаммалари иттифок

¹ Оталиқ – туркийча - ота ўрнини босувчи ҳукмдорнинг энг яқин кишиси бўлиб, асосан унга шахзодаларни таълим-тарбия билан вояга етказиш, уларни химоя қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва бошқа вазифалар топширилган. Аслида бу ҳукуматни узурпатсия йўли билан қўлга олишнинг бир воситасидир.

тузиб, биргаликда давлат салтанатини бошқаришга Дониёл Оталиқни муносиб топдилар ва уни тахтга ўтказдилар [1, 71].

Бухорода Аштархонийлар сулоласи таназзулга юз тутгач, давлат тизгини гегемон ва кучли бўлган манғитлар қабиласи қўлига ўтиши, хонлик ҳудудидаги этнохаританинг ўзгариши, сиёсат майдонига янги куч ва гуруҳлар келишида, хонликда аста-секинлик билан тинчлик ва сиёсий барқарорликни таъминлашда ўз аксини топди.

Бунинг натижасида хонлик сиёсий майдонида янги сулола ҳукмронлиги ва манғитлар вакили ҳукуматининг қонунийлаштириш жараёни бошланган. Марказий ҳукумат кучайгани билан хонликнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётининг тараққий топишини кўриш мумкин.

Марказий ҳукуматнинг бутун хонлик ҳудудларини бир марказга бирлаштириш сиёсати кўпчилик маҳаллий ҳукмдорлар, қавм ва қабилалар пешволари ва Хумулий каби зиёлилар, ислом руҳонийлари томонидан қўллаб-қувватланган. Манғит ҳукмдорларига нисбатан хайрихоҳлик ва мақтов билан тўлган тарихий асарлар, ҳукуматнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мулло Жумақули Хумулий. Тарихи Хумулий. – Самарқанд-Тошкент, 2013.
2. Фон Кюгельген А. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – Алматы: Дайк-пресс, 2004. – 519 с.
3. Муҳаммад Ёқуб ибн Дониёл Оталиқ. Гулшан ал-мулук. // Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ – № 1507/Ш. – 164.
4. Мирзо Абдулазим Сомий. Тухфаи шоҳий. // Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ. – № 1458/ I.
5. Мирзо Шамс Бухори. Тарихи Бухоро, Хўқанд, Кошгар. – Техрон. 1377 х. ш. – 470 с.

6. Муҳаммад Шариф Маҳдум Садр Зиё. Тарих. // Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ. – №2393. – 67^a вар.
7. Муҳаммадвафои Карминаги. Тўхфатул-хони / Мукаддима, таҳияи матн, нусхабадал, таълиқот ва феҳристҳои Чамшед Қўразода ва Нурулло Ғиёсов. – Хучанд: Нури маърифат, 2018. – 550 с.
8. Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимбий манғитлар сулоласи асосчиси //Бухоро мавжлари, 2003. – № 3.
9. Иванин П.П. Очерки по истории Средней Азии (XҮIсерединыXIX вв.). – Москва: Наука. 1959. – 129 с.
10. Муҳаммад Шариф. Тож ут-таворих. // Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. – № 9265.
11. Соловьёва О.А. Поведенческий символ власти Поведенческий символ власти и политическая социализация (бухарский эмират XIX-начала XX вв.). // Социология и социальная антропология. М.: 2001 №3. -103-115.